2008 йил, 15 февраль, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 30 (11.091) | Баҳоси эркин нархда

## Пойтахтнинг бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

● **КЕЧА** Сергели политехника касб-ҳунар коллежида Фидокорлар миллий демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан Ёшлар йилига бағишлаб «Ёшлар — келажагимиз» мавзуида ўтказилган маънавий-маърифий давра суҳбатида коллеж ўқувчилари, ўқитувчилари, партия фаоллари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари иштирок этишди.

● **БУГУН** «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» маркази ташаббуси билан ёшларнинг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида ўтказилган беллашувда Тошкент Давлат юридик институти ҳамда Ўзбекистон Миллий университети жамоалари қатнашди.

● **ЭРТАГА** Тошкент Давлат молия институти биринчи талабалар турар жойида талабалар иштирокида ўтказиладиган консультацион учрашув «Сиз қандай одамсиз?» деб номланади.

● **ЭРТАГА** Тошкент Банк коллежи талабалар турар жойида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида «Шоҳсупада ўзбекистонликлар» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтади.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Миллий университетининг «Парламент» ва «Альянс» жамоалари иштирокида «Иқтисод сиёсатдан устун бўлиши керак» мавзуида ўтказилган тадбир Ёшлар йилига бағишланди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*

**ҲАР БИР КОРХОНАДА ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАРГА ЯРАТИЛГАН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР, УЛАРНИНГ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ МАНФААТДОРЛИГИ, АЛБАТТА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТ СИФАТИЮ МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИДА МУҲИМ ҲИССА БЎЛАДИ.**





*Кичик бизнес*

## ЭЗГУ НИЯТЛАР ЙЎЛИДА

Буни дилдан ҳис этган «ORZU-OSH TUZI» шўъба корхонаси мутасаддилари ўтган йилда жамоа аҳли учун барча шароитларга эга замонавий бинони бунёд этишиб, фойдаланишга топширишди. Корхонанинг ишлаб чиқариш цехлари сифатли маҳсулот тайёрлашга мўлжалланган унумли дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, шунингдек, баракали меҳнатдан сўнг ходимларнинг яхши ҳордиқ чиқаришларини, саломатликларини тиклашларини кўзлаган ҳолда дам олиш хоналари, ёзги ва қишки ошхона, замонавий сузиш ҳавзаси уларнинг хизматида. Таъкидлаш жоизки, юртимизда нишонланадиган ҳар бир байрам корхона аҳли ҳамжиҳатлигида кўнгилдагидек ўтказилади.

Энди энг асосийси, ишлаб чиқариш хусусида тўхталадиган бўлсак, корхонада аҳоли дастурхони учун зарур ва инсонлар саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим ҳисобланган йодланган ош тузи тайёрланади. 50 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган ва маҳаллий хом ашёни замонавий технологиялар асосида қайта ишлаётган ушбу жамоада 4 турдаги туз маҳсулотларини қадоқлаш йўлга қўйилган. Нафақат тайёрланаётган маҳсулотнинг, балки қадоқлаш ашёлари кўриниши ва сифатига ҳам эътибор қаратиладики, бу, албатта харидорни қалбаки ана шундай товарни сотиб олишдан сақлайди.

— Ишлаб чиқаришда янги замонавий техника ва илғор технологиялардан самарали фойдаланиш бугунги давр талаби ҳисобланади, — дейди корхона директорининг ўринбосари Гулчеҳра Саъдуллаева. — Биз ҳам келтирилган хом ашёни қайта ишлашда, намлигини камайтиришда, қадоқлашда ана шунга амал қиламиз. Шунингдек ош тузларимизнинг йодланиш даражасига алоҳида эътибор қаратамизки, бу аҳоли саломатлигида, йод танқислиги туфайли келиб чиқадиган бўқоқ касаллигининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда бу борада изланаётган лаборатория ходимларимизнинг меҳнатларини ҳам таъкидлаш ўринли. Кейинги йилларда харидор талабидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, маҳсулотларимиз сақланиш муддатини узайтиришга муваффақ бўлаяпмиз.

Корхона тадбиркорларининг муваффақиятларини шунда яққол кўриш мумкинки, улар бир неча бор «Ташаббус» кўрик-танловининг Собир Раҳимов туман босқичида фахрли ўринларни қўлга киритган, пойтахт босқичида эса изланишлари алоҳида қайд этилган, бир неча номинациялар ғолиби бўлган, кўргазмаларда ўз маҳсулотлари намойишлари билан фаоллик кўрсатган, фойдали шартномалар тузишга муваффақ бўлган.

Халқимизда бежизга «Интилганга толе ёр», деган ибора қўлланилмайди. Чиндан ҳам тадбиркорлик билан интилганнинг омади бор, изланиб ташаббус кўрсатганнинг ёрқин толеи ўзига ёр бўлади. Бугунги кунда корхона тадбиркорлари ҳам эзгу мақсадлар йўлида саъй-ҳаракат қилишмоқда. Ички бозорда ўз ўрнига эга бўлаётган корхона аҳли бугунги кунда ташқи бозорни ҳам кўзламоқда. Хорижий шериклар топиб, маҳсулотлари экспортини йўлга қўйишга интилишмоқда. Бунинг учун эса бутун имкониятлардан оқилона фойдаланилмоқда, янгича қадоқлаш йўллари устида иш олиб борилмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: корхона илғорлари ўзлари тайёрлаган ош тузлари билан харидорларни мамнун этмоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

ЎЗБЕКИСТОН — КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ:

## МУВАФФАҚИЯТЛИ ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲАМКОРЛИК

**"THE KOREAN POST" ЖУРНАЛИНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛДАГИ ИЛК СОНИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ СИЁСИЙ, ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИГА БАҒИШЛАНГАН ТУРКУМ МАҚОЛАЛАР ЧОП ЭТИЛДИ.**

Яқинда мамлакатимизда бўлиб ўтган президентлик сайловларида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган "The Korean Post" журнали бошқаруви раиси ҳамда бош муҳаррири Ли Кюнг-сик ушбу мақолалар муаллифидир.

"The Korean Post" 1985 йилдан буён Корея Республикасида инглиз тилида нашр қилинадиган етакчи журнал бўлиб, у 20 минг нусхада чоп этилади. Журнал Корея Республикаси сиёсий, зиёли ва ишбилармон доиралари ҳамда кенг жамоатчилиги орасида, шунингдек, Шимолий ва Жанубий Африка, Европа ва Жануби-Шарқий Осиёда тарқалади.

Махсус соннинг Корея Республикаси ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги босқичига бағишланган бош мақоласида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Корея Республикаси Президентлигига яқинда сайланган Ли Мён-бак билан олдиндан илиқ муносабат мавжудлиги таъкидланган. Жанубий Корея пойтахти мэри вазифасида ишлаган пайтда Ли Мён-бак шаҳар маъмурияти биносида Президент Ислом Каримовни "Сеулнинг фахрий фуқароси" деб эълон қилиб, унга эсдалик медалини топширган эди.

Журнал 2006 йил март ойида Президент И.Каримовнинг Корея Республикасига амалга оширган ташрифига алоҳида тўхталиб, Ўзбекистон давлати раҳбари Миллий ассамблея спикери Ким Вон-ки билан учрашуви чоғида БМТ Бош котиблигига Пан Ги Мун номзодини қўллаб-қувватлашини билдиргани Корея халқининг хурсандчилигига сабаб бўлгани таъкидланган.

Нашр Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шахсига баҳо беришда харизматик етакчи сифатида уни сиёсий стратег ва амалиётчи, тажрибали ва моҳир иқтисодчи дея таърифлаган.

— Президент Ислом Каримов метин иродаси ва ўзининг мақсади сари қатъий интилиши билан машҳурдир, — деб ёзади "The Korean Post". — У муваффақиятли демократик ислоҳотлар ўтказиб, мамлакатга иқтисодий янгиланишларни олиб кирганлиги билан ўзининг етакчилик қобилиятини амалда намоён этди. Президент Ислом Каримов аҳоли ўртасида катта обрў-эътиборга эга, сайлов жараёнида сайловчиларнинг 88,1 фоизи унга овоз берганлиги ҳамда бошқа номзодлардан яққол устунликка эришганлиги ҳам буни амалда исботлаб турибди.

Мақолада жаҳонда умумэътироф этилган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг амалга ошувида Ўзбекистон давлати раҳбарининг хизматлари беқиёслиги келтириб ўтилган. Ислом Каримов нафақат автомобиль саноатининг бунёд этилишида тамал тошини қўйган, балки мамлакат иқтисодий ривожланишини таъминлаган ҳамда Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқлари қиёфасини тубдан ўзгартирган қатор йирик корхоналар, коммуникация ва маданий объектлар қурилиши ташаббускори ҳамдир.

— Турли ёшдаги ўнлаб ўзбекистонликлар билан суҳбатда бўлдим, уларнинг аксарияти амалдаги президентга овоз беришганини билдиришди, — дейди "The Korean Post" нашри Бош муҳаррири Ли Кюнг-сик. — Ислом Каримовни асосан ёшлар қўллаб-қувватлашди. Улар бу ҳақда унинг етакчилик қобилиятини эътироф этган ҳолда Президентлик раҳбарлигида мамлакатда сиёсий барқарорлик ва иқтисодий ривожланишда муваффақиятга эришилганлигини фахр-ифтихор билан гапирадилар. Улар Ўзбекистон ўз олдига олдиндан мақсад қилиб қўйилган демократик ривожланган ва иқтисодий қудратли давлатга айланишига ишонадилар.

Журнал Ўзбекистонда яшайдиган корейс миллатига мансуб аҳоли вакиллари ҳаётига алоҳида эътибор қаратган. Мақолада 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари Ўзбекистонда тинч ва тотув истиқомат қилиши ва этник корейслар мамлакат умумий аҳолисининг қарийб бир фоизини ташкил қилиши қайд этилган. Шу маънода, "The Korean Post" журналида келтирилишича, Президент Ислом Каримов мамлакатда истиқомат қилаётган бошқа миллатларнинг тили, маданияти ёки қандайдир ўзгача анъаналарини камситмаган ҳолда барча миллат ва элатларга нисбатан бир хил муносабатда бўлиб, умумий қўллаб-қувватлаш ва ғамхўрлик кўрсатиш сиёсатини юргизаётгани билан ҳам айнан танилгандир. Таъкидланишича, мамлакатда яшаётган корейслар ўзларини ўзбек халқининг бўлинмас бир бўлагидек ҳис этиб, ўз Ватанлари ривожи ва унинг манфаатларига хизмат қилишмоқда.

Шунингдек, журналда Ўзбекистонда бўлиб ўтган президентлик сайловларида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган "Shindong Businness Group" компанияси президенти Ким Юн-сик ва Корея Республикасининг мамлакатимиздаги собиқ элчиси Мун Ха-енгларнинг интервьюсига ҳам ўрин берилган. Улар сайлов натижалари бўйича ўз фикрларини айтиб ўтиш жараёнида Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида эришган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ривожланишига ҳам юқори баҳо бериб, Ўзбекистон-Корея ҳамкорлигининг истиқболдаги ривожланишига ўзларининг ижобий нуқтаи назарларини билдиришган.

Хусусан, "Shindong Businness Group" компанияси президенти Ким Юн-сик Ўзбекистон эркин бозор иқтисодиёти йўлида дадил одимлаётганини ва сезиларли иқтисодий ўсишга эришаётганини ишонч билан таъкидлаган. Ким Юн-сикнинг фикрича, Корея Республикаси Ўзбекистонни ўзининг стратегик шериги сифатида икки томонлама ҳамкорликни эркин савдо келишуви даражасига қадар кўтариш мумкин.

"The Korean Post" Ўзбекистонда рўй бераётган бир қатор эътиборга молик ўзгаришлар қатори суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларга алоҳида тўхталиб, 2008 йил 1 январдан мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилинганлигига ўқувчилар эътиборини жалб қилади.

— Асосий ғоя ва бош мақсад "Ислоҳотлар инсон ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун" тамойилига асосланган ҳолда жамиятда янгиланишларга олиб борувчи кенг кўламли демократик ўзгаришларнинг ҳуқуқий жиҳатдан асосини таъминлашга қаратилган. Ўзбекистон ўз тарихи ва маданиятида энг юқори чўққиларни забт этган ҳолда эркин бозор иқтисодиёти йўлидан мардонавор илгарилаб, демократик тамойилларни ривожлантириш ҳамда чуқурлаштириш орқали босқичма-босқич ва изчил иқтисодий ўсишда муваффақиятл..ни қўлга киритиб келаяпти, — деб ..ди муаллиф ўз мақоласида.

**"Жаҳон" АА**

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ БЕЛЬГИЯДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА «ДИНЛАРАРО УЙҒУНЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ» МАВЗУИДА ЎТКАЗИЛГАН БРИФИНГ МАМЛАКАТИМИЗДА ДИНГА МУНОСАБАТ ВА РЕСПУБЛИКА ҲУКУМАТИНИНГ БУ БОРАДА ОЛИБ БОРАЁТГАН СИЁСАТИГА БАҒИШЛАНДИ.**

## ДИНЛАРАРО ТОТУВЛИК ЎЗБЕКИСТОН ЖАМИЯТИ РАВНАҚИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИДАН БИРИДИР

Унда Бельгия ва Европа Иттифоқининг сиёсий ва ишбилармон доиралари вакиллари, Европарламент аъзолари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Брифинг иштирокчиларига Ўзбекистондаги мавжуд динлар, диний ташкилотлар фаолияти, шунингдек, ҳукуматнинг динлараро тотувликни мустаҳкамлаш борасида амалга ошираётган чора-тадбирлари хусусида батафсил ахборот берилди.

Тадбир қатнашчилари эътибори Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожида тутган ўрни, жумладан, ўзбек уламолари ва фиқҳшуносларининг ислом ҳуқуқи ва маданиятини шакллантириш ҳамда уни такомиллаштиришга қўшган улкан ҳиссасига қаратилди.

Брифинг чоғида иштирокчиларга тақдим этилган маълумотлар катта қизиқиш уйғотди.

Хусусан, Левен Католик университети профессори Ю.Янсенс «Жаҳон» ахборот агентлигига берган интервьюсида Ўзбекистонда узоқ асрлардан буён турли динлар ўзаро тотув ва тўла уйғунликда фаолият кўрсатиб келаётганига алоҳида эътибор қаратди.

«Мамлакатнинг янги тарихида ушбу ҳамжиҳатликнинг асоси конституциясида ўз ифодасини топган ва Ўзбекистоннинг барча фуқаролари миллати, тили, дини ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар бир хил ҳуқуқ ва эркинликка эгалиги, қонун олдида тенг эканлиги белгиланган», — дейди Ю.Янсенс.

Ю.Янсенс ўзининг Ўзбекистонга сафарини ёдга олар экан, христиан ва католик черковлари ҳамда синагогалар масжидлар билан бир қаторда ўз фаолиятини эркин амалга ошираётганига гувоҳ бўлганини таъкидлади. У, шунингдек, Ўзбекистонда динлараро тотувликни сақлашга катта эътибор қаратилаётгани, давлат эса янги масжид, черков ва синагогаларнинг қайта таъмирлаш ва қуриш ишига кўмак кўрсатаётганини қайд этди.

Шу муносабат билан Ю.Янсенс бағрикенглик ва диний сабр-тоқат руҳини сақлаш ва уни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон тажрибаси бошқа кўплаб мамлакатларга намуна бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини чуқур ишонч билан эътироф этди.

Ўз навбатида, Европарламент собиқ депутати, «Equipe Europe» мустақил уюшмаси аъзоси Александр фон Линген ўз интервьюсида Ўзбекистонда мамлакат аҳолиси қайси динга эътиқод қилишини ўзи эркин танлашини таъкидлади.

«Турли маданиятлар ва динлар чорраҳасида жойлашган Ўзбекистонда турли миллат ва дин вакиллари тинч ва тотув ҳаёт кечирмоқда. Менинг фикримча, динлараро тотувлик қўшни мамлакатлар билан аҳил ва ҳамжиҳатликда яшаш ҳамда давлат равнақининг асосий омилларидан бири ҳисобланади", — дея қайд этди Александр фон Линген.

**"Жаҳон" АА**
**Брюссель.**

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**●Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловчилар билан алоқалари: ҳуқуқий асослар ва амалиёт» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Қонунчилик ва суд- ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилиб, унда қуйи палатадаги барча тузилмалардан вакиллар иштирок этди.**

**●Жиззах вилояти фаолларининг йиғилишида 2007 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маърузасидан келиб чиқадиган энг муҳим вазифаларнинг вилоятда бажарилишини таъминлаш масаласи муҳокама этилди.**

**●Кеча Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон вилояти мусиқали драма ва комедия театрида шоир таваллудининг 525 йиллигига бағишланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.**

**●Темурийлар тарихи Давлат музейида «Бобур — буюк шоир ва бунёдкор» мавзуида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.**

**●Жиззах вилояти мусиқали драма театрида қишлоқ, шаҳар ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда йиғинларнинг диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий билимлари ва раҳбарлик малакаларини оширишга бағишланган ўқув семинари ўтказилди.**

**●Ромитан туманидаги «Қаҳрамон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи 3000 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи қишлоқ врачлик пункти биноси бутунлай янгича қиёфага кирди. Зеро, бу ерда реконструкция ишлари амалга оширилиб, бино «Саломатлик-2» лойиҳаси талаблари асосида тайёр ҳолга келтирилди.**

**●Тошкент Тиббиёт академиясининг Фарғона филиалида Фарғона вилояти ҳокимлиги, ички ишлар бошқармаси, «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган учрашув гиёҳвандликка қарши кураш масалаларига бағишланди.**

**●«Маҳалла» жамғармасининг Бухоро шаҳар бўлинмаси ўз ҳисобидан беш миллион сўм ажратиб, ҳудудда намунали фаолият юритаётган 6 маҳаллага замонавий компьютерлар совға қилди. Таъкидлаш керакки компьютер билан тақдирланган маҳаллалар ўтган Ижтимоий ҳимоя йилида фаолиятда ҳар томонлама юқори кўрсаткичларга эришган ўзини ўзи бошқариш органларидир.**

### ЖАҲОНДА

**●Кеча Сербия ҳукумати Косово эълон қиладиган мустақилликни тан олмаслик тўғрисида резолюция қабул қилди.**

**●Австрия пойтахти Венадаги конгресслар саройида одам савдосига қарши курашга бағишланган уч кунлик анжуман бўлиб ўтмоқда. Унда 1200дан ортиқ расмий шахслар, мутахассислар, қонуншунос, тадбиркорлар ва 116 давлатдан турли нодавлат ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда. Анжуман БМТнинг одам савдосига қарши Глобал ташаббуси доирасида ўтказилаётган бўлиб, ундан кўзланган мақсад — одам савдосига қарши курашни кучайтиришдир.**

**●Грузия маъмурлари 2007 йил 7 ноябрда Тбилиси шаҳрида бўлиб ўтган воқеалар муносабати билан ҳибсга олинган барча кишиларни озод қилишди.**

**●Франциянинг 5 та асосий давлат теле ва радио каналлари ходимлари 24 соатлик оммавий иш ташлаш уюштиришди. Бунга мамлакат Президенти Николя Саркозининг яқинда айтган давлат телевидениеси кўрсатувларидан рекламаларни бутунлай олиб ташлаш тўғрисидаги сўзлари сабаб бўлган.**

**●Украина Россия олдидаги газ учун қарзларини тўлай бошлади. Жумладан, «Нафтогаз Украини» компанияси Россияга етказиб берилган газ учун жуда қисқа муддатда 100 миллион долларга яқин маблағни тўлади.**

**●Филиппин хавфсизлик кучлари мамлакат раҳбари Глорио Макапгал Арройога уюштирилиши режалаштирилаётган суиқасдни фош этди. Президент хавфсизлик хизмати маълумотича, террорчилар президентдан ташқари чет эл дипломатик корпуси вакилларини ҳам мўлжалга олишган. Бу хавфли режалар бошида «Ал-Қоида» билан алоқадор «Абу-Сайоф» экстремистик гуруҳи тургани айтилмоқда.**

**●Эроннинг марказий ҳудудларида Рихтер шкаласи бўйича 4,3 балли зилзила содир бўлди. Зилзила кучсизроқ бўлсада, Эрон учун бу табиий офат яқинлашиб келаётган ҳалокатдан дарак бериши ҳам мумкин. Айни дамда мамлакатда хавфсизлик чоралари юқори даражада кучайтирилмоқда.**

**● АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида мусиқали Оскар номини олган «Гремми» мукофотларини эллигинчи бор топшириш маросими бўлиб ўтди.**

**●Кеча Ингушетияда жангарилар билан рўй берган тўқнашув чоғида патрул-пост хизмати полкининг олти нафар ҳарбийси жароҳатланди.**

**●2007 йилда дунёнинг диққатга сазовор иншоотлари орасида Парижнинг Эйфель минораси энг кўп сайёҳларни қабул қилиш бўйича рекорд ўрнатди. Ҳисоб-китобларга кўра Эйфель ўтган йили 6893000 нафар сайёҳни қабул қилган ва беш йилдан буён бу ажойиб муҳандислик намунаси биринчиликни бошқа иншоотларга бермай келмоқда.**

# МАСЛАҲАТЧИЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ЭЪТИБОР

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ 2007 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2008 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА ЁШЛАРИМИЗДА СОҒЛОМ ҲАЁТ ТАРЗИГА ИНТИЛИШНИ, МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ҲУРМАТ-ЭҲТИРОМ ТУЙҒУЛАРИНИ БОЛАЛИКДАН ШАКЛЛАНТИРИШ БОРАСИДА ЖАМОАТ ВА НОҲУКУМАТ ТУЗИЛМАЛАРИ АЛОҲИДА ФАОЛЛИК КЎРСАТИШИ ЗАРУРЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИ.**

Давлатимиз раҳбари томонидан бу борада белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида бўлиб ўтган йиғилишда атрофлича муҳокама этилди. Унда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла фаоллари, пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги маҳаллаларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги мавқеини янада юксалтириш, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгилангани таъкидланди.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжатга кўра оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг соғлигини сақлаш, соғлом оилани шакллантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда аёлларни иш билан таъминлаш, уларнинг касб маҳорати, жисмоний, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган чора-тадбирларни кучайтиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Фармонга мувофиқ 2004 йилдан буён мамлакатимиздаги мавжуд барча маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими таъсис этилди. Ҳозирги кунда юртимиздаги маҳаллалар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, овулларда ҳаёт тажрибасига эга маслаҳатчилар фаолият кўрсатмоқда.

Шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги давр маҳалла маслаҳатчилари фаолиятини янада жонлантиришни, таълим, тиббиёт масканлари, турли жамоат ташкилотлари билан ўзаро узвий ҳамкорликни йўлга қўйишни талаб этмоқда.

Йиғилишда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолиятини такомиллаштиришга оид амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## Тадбирлар

# БУЮК ШОИРЛАР ИЖОДИГА БАҒИШЛАНДИ

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИДА АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУД КУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ. ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРДА ТАНИҚЛИ ОЛИМЛАР, ТАДҚИҚОТЧИЛАР, ТАЛАБАЛАР ҲАМДА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.**

Таъкидланганидек, ҳаёти ва ижодини эзгулик, инсонпарварлик ва бунёдкорлик ишларига бағишлаган буюк алломаларимизнинг мероси асрлар оша инсоният камолотига ва жамият ривожига хизмат қилиб келмоқда.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан тарихимизни мукаммал ўрганиш, буюк алломаларимиз маънавий меросини чуқур тадқиқ этиш ва халқимизнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссасини кенг тарғиб этишга қаратилаётган улкан эътибор ўз самараларини бераётир. Жумладан, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур меросини асраб-авайлаш, ҳаёти ва ижодини теран тадқиқ этиш, ижодида ўз аксини топган умуминсоний ғояларни улғайиб келаётган авлод онг-шуурига чуқур сингдириш доимий эътиборда.

Тадбирда Навоий ва Бобур бой меросини ўрганиш ва кенг тарғиб этишга қаратилаётган улкан эътибор самаралари хусусида маърузалар тингланди.

**Б. ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**





# ЎТКИР ЗЕҲНЛИЛАР МУШОИРАСИ

**БУЮК МУТАФАККИР, ҒАЗАЛ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ БОЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ АСРЛАР ОША БАШАРИЯТНИ ҲАМЖИҲАТЛИК, ИНСОНПАРВАРЛИК, ОЛИЖАНОБЛИК, ҲАЛОЛЛИК, РОСТГЎЙЛИК СИНГАРИ ЭЗГУ ҒОЯЛАРГА ДАЪВАТ ЭТИБ КЕЛМОҚДА.**

Айни кунларда улуғ аллома Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуди бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда. Жумладан II-Республика тиббиёт коллежида «Алишер Навоий—ғазал мулкининг султони» мавзуида ўткир зеҳнлилар мушоираси бўлиб ўтди. Кечани тиббиёт коллежи директори Миржамол Адилов кириш сўзи билан очар экан, буюк мутафаккир бой адабий меросининг бугунги кундаги аҳамияти, унинг ижодида илгари сурилган эзгу ғоялар, ёшларни ана шу бебаҳо ижод намуналаридан баҳраманд этиш зарурлигини таъкидлаб ўтди. Шундан сўнг коллежнинг «Ҳамширалик иши» ва «Тиббиёт профилактикаси» бўлимлари ўқувчилари ўртасида ўткир зеҳнлилар мушоираси бўлиб ўтди. Мушоирада саломлашиш, Алишер Навоий ижодига доир савол-жавоблар, саҳна кўриниши, мумтоз рақс, баҳру байт сингари шартлар бўйича «Зуллисонайн» ва «Наво» гуруҳлари аъзолари ўз билим ва истеъдодларини намоён этдилар. Айниқса, ўқувчилар томонидан «Алишер Навоий» драмасидан ижро этилган саҳна кўринишлари ҳамда баҳру байтлар йиғилганлар эътиборини тортди.

Қизиқарли ва шодиёна ўтган мушоира кечаси ўқувчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

**Насиба МУҲИБОВА**

**СУРАТЛАРДА:** мушоира кечасидан лавҳалар

## Саховат

# ХАЙРИЯ ЎН КУНЛИГИДА ФАОЛ ҚАТНАШИНГ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1992 ЙИЛ 28 МАЙДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ВА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ШУ ХУСУСДАГИ ҚАРОРИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ҲИСОБИГА ХАЙРИЯ ЙИҒИШ ЎН КУНЛИГИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОЙИШИГА МУВОФИҚ 2008 ЙИЛ 18 ФЕВРАЛДАН 28 ФЕВРАЛГАЧА ПОЙТАХТДА ЖАМИЯТНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИГА ХАЙРИЯ ЙИҒИШ ЎН КУНЛИГИ ЎТКАЗИЛМОҚДА.**

Таъкидлаш жоизки ўн кунлик давомида шаҳримиз аҳолиси, турли корхона, ташкилот ва муассасалар савоб ишлардан четда қолмайлик, дея хайрли мақсадлар йўлида ажратган маблағларини Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши ҳисоб рақамига ўтказишлари мумкин бўлади.

— Аҳолининг энг заиф табақаларига инсонпарварлик ва тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, аҳолини биринчи ёрдам кўрсатиш кўникмаларига ўргатиш, ёшлар ҳаракатини ривожлантириш ва унга кўнгиллиларни жалб этиш, қуролли можаролар ва табиий офатлар вақтида яқинларидан ажраб қолган оилаларни халқаро миқёсда қидиришда ва уларни тиклашда қатнашиш, ёнғиндан жабрланганларга кўмаклашиш фаолиятимизнинг асосий йўналишлари доирасига киради, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши ижрочи директори Шоҳида Худойберганова. — «Меҳр-шафқат» хизмати жамият фаолиятида муҳим ўрин тутиб, бунда ўзгалар ёрдамига муҳтож бўлган якка-ёлғиз ногирон қариялар, кам таъминланган, кўп болали оилалар жамият тасарруфига олиниб, уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатилади. Фақат ўтган бир йилни оладиган бўлсак, якка-ёлғиз қариялар, кўп болали оилаларга жамият қошида ташкил этилган тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатаётган 7 та марказ ва хоналар ишини яхшилаш учун 250 минг сўмлик дори-дармон ва боғловчи ашёлар, бир марта ишлатиладиган шприцлар харид қилинди. Бундан ташқари «Соғлом авлод учун» жамғармаси билан ҳамкорликда патронаж хизматини яхшилаш мақсадида М.Улуғбек, Чилонзор, Сергели туманларида хайрия тадбирлари ўтказилиб, жамият тасарруфидаги ёлғиз ногиронлар учун рецептлар асосида дорилар ажратилди. Шунингдек, меҳр-шафқат ҳамширалари томонидан ёлғиз қарияларга 41654 марта тиббий, 43079 марта ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Улар 3918 марта дори-дармонлар билан таъминландилар, 28 та қария шифохоналарда соғломлаштирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўн кунлик давомида йиғилган маблағлар ва умуман ташкилотимизга кўрсатилган хайрия ёрдамлари якка-ёлғиз кексалар, кам таъминланганлар, кўп болали оилалар, ёнғиндан жабрланганларга кўмаклашиш ишларига сарфланади. Бир сўз билан айтганда, Ижтимоий ҳимоя йилида ҳамшаҳарларимизнинг мурувватлари ҳисобига Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан 450 дан ортиқ якка-ёлғиз кексага, 75 та кам таъминланган оилага, 28 та ёнғиндан жабрланган оилага тиббий-ижтимоий кўмак берилди. Юздан ортиқ ногиронга йил давомида ғамхўрлик қилинди. Бу ишлар учун жамият ҳисобидан 15 миллион 647 минг сўм, ҳомийлар ёрдамида 5 миллион 485 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Бугун ҳам бундай кишиларнинг тақдири маълум маънода барчамизга, яъни, хайрия ўн кунлигида қай тарзда фаол иштирок этишимизга боғлиқ.

**— Хайрия йиғиш ўн кунлиги доирасида Қизил Ярим Ой жамиятининг Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан қандай мурувват тадбирлари, акциялар ташкил этилади?**

— Албатта, ўн кунлик давомида жойларда ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирларимиз ҳам бор. Жумладан, 1, 2-сонли мурувват уйлари тарбияланувчилари ҳамда аҳоли ўртасида хайрия марафонларини ташкил этяпмиз. Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгашининг «Меҳригиё» клуби тасарруфидаги ногирон болалар ва Мирзо Улуғбек туманидаги 105-мактаб-интернат тарбияланувчилари учун мурувват ёрдами кўрсатиш ҳам режаларимиз қаторидан ўрин олган.

Саховатпеша ҳамшаҳарларимиз, корхона, ташкилот ва муассасаларга шуни эслатиб ўтмоқчи эдик: ўз хайрия кўмагингизни Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бош амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишингиз мумкин: ҳ/р: 20212000900126451001, МФО: 00407;ИНН:200896573.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2007 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2008 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА ТАЪКИДЛАНГАНИДЕК, ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ҲАЛ ЭТИШ, БУНИНГ УЧУН МУСТАҲКАМ ҚОНУНЧИЛИК БАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЗАРУР.**

# ЁШЛАРГА ОИД СИЁСАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Тошкент давлат юридик институтида ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга бағишланган илмий-назарий конференцияда шу ҳақда сўз борди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, ёшлар ташкилотлари вакиллари, олимлар ва талабалар иштирок этди.

Институт ректори М.Рустамбоев бошқарган тадбирда мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилгани алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида", "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Таълим тўғрисида"ги қонунлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қатор ҳужжатлар бунинг яққол тасдиғидир. Уларда ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ муносабатлар ўзининг ҳуқуқий ифодасини топган.

Конференцияда ёшларга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, оила қонунчилигини ривожлантириш истиқболлари, ёшлар ҳуқуқига доир халқаро ҳужжатларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш масалалари юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

**Н. АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

# "ЛУКОЙЛ Оверсиз" ФАОЛИЯТИНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

**"ЛУКОЙЛ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ "ЛУКОЙЛ ОВЕРСИЗ" ШЎЪБА КОМПАНИЯСИ "СОЮЗНЕФТЕГАЗ" БИЛАН "СОЮЗНЕФТЕГАЗ ВОСТОК ЛИМИТЕД"-НИНГ НАЗОРАТ ПАКЕТИНИ ХАРИД ҚИЛИШ ҲАҚИДА КЕЛИШУВГА ЭРИШДИ.**

Шартномада кўрсатилган ҳудудда давлат комиссияси томонидан тасдиқланган саккизта кон мавжуд бўлиб, С1 тоифасига кирувчи бир юз миллиард кубометр газ захирасига эга.

Ер ости бойлигини бир йилда уч миллиард кубометр қазиб олиш мўлжалланган бўлиб, бундай кўрсаткичга тўрт йилдан сўнг тўлиқ эришиш мумкин. Газни "Газпром" акциядорлик жамиятининг асосий тармоғи орқали экспорт қилиш режалаштирилган. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 700 миллион доллар ўзлаштирилади.

—Ўзбекистон хорижлик асосий ҳамкорларимиздан бўлиб, узоққа мўлжалланган мақсадларни амалга ошириш ва бизнесни ривожлантириш учун барча имкониятлар етарли,— деди "ЛУКОЙЛ" президенти Вагит Алекперов. — Республика раҳбарияти фаолиятимизни маъқуллаб, истиқболли лойиҳаларимизни қўллаб-қувватлаётганлигидан мамнунмиз.

Айтиш жоизки, ўтган йили Хаузак газ конининг ишга туширилганлиги "ЛУКОЙЛ Оверсиз" фаолиятида катта воқеа бўлди. Шунингдек у инвесторлар Консорциуми таркибида Орол денгизининг Ўзбекистон қисмида сейсмик қидирув ишларида қатнашмоқда.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ТАНИҚЛИ ФРАНЦУЗ ОЛИМИ ЛУИ ПАСТЕР ҲАЁТ ЙЎЛИ ВА ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАРИ АКС ЭТГАН КЎРГАЗМА ИШ БОШЛАДИ. ВИКТОР ГЮГО НОМИДАГИ ФРАНЦУЗ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ ТАШАББУСИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН УШБУ КЎРГАЗМА ШУНИНГДЕК, ПАСТЕР ИНСТИТУТИНИНГ ИШ БОШЛАГАНИГА 120 ЙИЛ ТЎЛИШИГА ҲАМ БАҒИШЛАНГАН.**

# ОЛИМ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Кўргазма Тошкент шаҳридаги француз мактаби ўқитувчиси Моник Мишонинг олимнинг жаҳон фани ривожига қўшган улкан улуши хусусидаги маърузаси билан иш бошлади. Шунингдек, олимнинг биографияси акс этган суратлар, мақола ва илмий ҳужжатлар бу ерга келувчиларга Пастер ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилади.

Француз фарзанди Луи Пастер (1822-1895) микробиология фанининг отаси ҳисобланади. Унинг изланишлари боис, қутириш касаллигига қарши вакцина ихтиро қилинди, ўнлаб юқумли касалликларнинг давоси топилди. Бугунги кунда олимнинг изланишларини Пастер институтининг юзлаб мутахассислари давом эттирмоқда. Кўргазма саккизинчи мартгача давом этади.

**«Туркистон-пресс»**

## Иқтисодиёт

# СИФАТГА ЭЪТИБОР

**ТАЙЁРЛАНАЁТГАН КИТОБ, ЖУРНАЛ, ТУРЛИ ХИЛ БРОШЮРАЛАР ВА БОШҚА МАТБАА МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ДИЗАЙНИ ҲАМДА СИФАТИГА ҚАРАТИЛГАН ЭЪТИБОР БУЮРТМАЧИЛАР САФИ ОРТИШИДА, ЎҚУВЧИЛАР ТАЛАБИНИ ҚОНДИРИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.**

«POLIPAPER» масъулияти чекланган жамиятида ҳам турли матбаа нашрларини бугунги кун талабларига мос равишда ишлаб чиқаришга қаратилган саъй-ҳаракатлар боис буюртмачилар сафи ортиб бормоқда. Сифат, тезкорлик, дизайн, матбаа хизматларининг кенг доирада амалга оширилишида корхона цехларига ўрнатилган замонавий дастгоҳлардан самарали фойдаланилмоқда.

2003 йилда ташкил этилган ушбу корхонага Германиядан лизинг асосида «HEIDELBERG» компаниясининг юксак унумли ишлаб чиқариш линия ва ускуналари ўрнатилган бўлиб, уларнинг қувватидан фойдаланган ҳолда китоб-журнал маҳсулотлари, открытка, буклет, тақвим, этикетка, таклифнома, турли хил бланкалар, иш ҳужжатлари, офис қоғозлари тайёрланмоқда.

Ўтган йилларда тадбиркор матбаачилар томонидан Республика Халқ таълими вазирлигининг буюртмалари муваффақиятли адо этилди. Айниқса сифатли ўқувчилар табеллари, психологик дафтарлар, китоблар буюртмачиларга манзур бўлди. Шунингдек, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ва бошқа давлат корхоналаридан тушган буюртмалар тез ва соз бажарилди.

Тадбиркорлар россиялик ҳамкорлар билан алоқаларини мустаҳкамлаш асосида сифатли хом ашёдан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш йўлида изланишмоқда.

# ХАРИДОРЛАРНИ ЖАЛБ ЭТАДИ

**БОЗОРЛАРДАГИ ДЎКОНЛАР ПЕШТАХТАЛАРИДАН ТУРЛИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛАР ЭКАНМИЗ, АЛБАТТА АВВАЛО УНИНГ СИФАТИГА, ЭҲТИЁЖГА ЯРАША ҚАДОҚЛАНИШИГА, ШУНИНГ БАРОБАРИДА ТОВАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАРНИ АЁН ҚИЛУВЧИ ЧИРОЙЛИ ЭТИКЕТКАЛАРИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТАМИЗ.**

Авваллари ана шундай этикеткаларни чет давлатлардан тайёрлатиб келтиришган бўлса, бугунги кунда уларнинг кўпчилиги ўзимизда замонавий линиялар асосида ишлаб чиқарилмоқда ва буюртмачи талабини қондирмоқда, сифати ҳамда рақобатбардошлиги билан ажралиб турибди.

Пойтахтимиздаги «COLOR-FLEX» Ўзбекистон—Британия—Шимолий Ирландия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган ана шундай маҳсулотлар— ёпишқоқ этикеткаларга талаб катта бўлиб, у сифати ва қулайликлари билан эътиборлидир. «Ўзмевасабзавотхолдинг», «Фармсаноат» сингари йирик компаниялар, тадбиркорлик субъектлари корхона маҳсулотларининг асосий буюртмачилари саналади. Бундан ташқари қўшни республикалардан ҳам ёпишқоқ этикеткаларга буюртмалар тушмоқда.

Корхона цехларининг жаҳонда етакчи ҳисобланган фирмалардан келтирилган янги дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланганлиги бу ерда меҳнат қилаётган 50 нафардан зиёд малакали кадрларга қўл келмоқда. Ишлаб чиқариш линиялари Дания, Англия, Канада, Франция сингари давлатлардан келтирилган. Корхонада фаолият кўрсатаётган дизайнерлар бўлимининг малакали ва изланувчан мутахассислари маҳсулот рекламасида ҳам муҳим аҳамият касб этган, пештахталарда ярқ этиб кўзга ташланадиган, харидор кўнглига йўл топадиган этикеткаларни танлашда буюртмачиларга яқиндан кўмак беришмоқда. Албатта, сифатли хом ашёдан унумли фойдаланиш ҳам яхши самара бермоқда.

Шарофат **БАҲРОМОВА**

# ЎЗ ЎРНИНИ ТОПГАН КОРХОНА

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ БОИС, ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҲИССАЛАРИНИ ҚЎШИШГА ИНТИЛАЁТГАН ҚЎШМА КОРХОНАЛАР САФИ ЙИЛДАН-ЙИЛГА КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА. УЛАР НАФАҚАТ СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДА, БАЛКИ КОРХОНАЛАРИДА ФУҚАРОЛАРИМИЗ УЧУН ЯНГИ ИШ ЖОЙЛАРИ ЯРАТАЁТГАНЛАРИ ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚ.**

Пойтахтимизда фаолият юритаётган «Тошкент қувурлар заводи» Ўзбекистон-Россия-АҚШ қўшма корхонаси жамоаси ишлаб чиқараётган водопровод қувурлари ўзининг сифати, ишлатишда қулайлиги, узоқ йиллар хизмат қилиши билан ажралиб туради. Айниқса, мазкур корхонанинг махсус буюртмага асосан тайёрланадиган турли диаметрдаги қувурлари харидоргир ҳисобланади.

Эътиборли томони,бу ерда цехлар замон талабига мос замонавий технологик линиялар, дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланган ҳамда асосийси, ишчи-хизматчиларнинг касб-маҳорати кучли. Барча буюртмалар ўз муддатларида ва сифатли бажарилади. Ўтган йилнинг ўзида қўшма корхонада касаначилик асосида хотин-қизлар учун 70 та янги иш ўринлари яратилди.

Замон билан ҳамнафас қадам ташлаётган ушбу корхона тадбиркорлари жорий йилда ҳам талай эзгу мақсадларни амалга оширишни режалаган, лойиҳалар тузган, изланишмоқда. Излаган эса албатта имкон топади.

# НАФИС, БЕТАКРОР МАҲСУЛОТЛАР

**ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИНИНГ ДУРДОНАЛАРИ ҲАҚИДА ГАП БОРГАНДА ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ АЛОҲИДА ЎРИН ТУТИШИ БЕЖИЗ ЭМАС. НЕЧА-НЕЧА АСРЛАРДАН БУЁН МИЛЛИЙЛИГИМИЗ РАМЗИ ҲИСОБЛАНГАН НАҚШЛАР КЕНГ ҚЎЛЛАНИЛИБ КЕЛИНАЁТГАН НАҚШИНКОР БУЮМЛАР БУГУНГИ КУНИМИЗДА ҲАМ ЎЗ ЖОЗИБАСИНИ ЙЎҚОТМАГАНИ БОИС, БЕТАКРОРЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ.**

Мазкур соҳада ёш бўлишига қарамай самарали ижод қилаётган ҳунарманд Шерзод Ҳакимовнинг қалб қўри қўшиб тайёрланган маҳсулотлари — икки табақали эшик, лавҳ, курси, стол, сандиқча, қути, устун каби санъат даражасига етказиб тайёрланган буюмлари билан уста эл назарига тушди. Кўплаб кўрик-танлов, санъат байрамларида намойиш қилиниб совринли ўринларга муносиб бўлди...

Эътиборли томони, уста аждодларимизнинг ўлмас меросини шогирдлари — қизиқувчан, зукко, ёғоч ўймакорлигига алоҳида меҳр қўйган ёшларга астойдил ўргатиб келмоқда. Бир-бирини такрорламайдиган, Шарқнинг гўзал жилосини кўз-кўз қилувчи нақшлар туширилган буюмлар, маҳобатли бинолар ҳунарманд усталарнинг устозларининг ўлмас меросини асраб-авайлаши, уни ривожлантириб боришидан ёрқин далолат ҳисобланади.

Муҳаббат **ҲАБИБУЛЛАЕВА**

